



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (12.385)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНГИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН ЯНАДА БОЙИТИШ ЙЎЛИДА

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларда олий даражадаги сиёсий мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Ислон Каримов 2010 йилнинг апрель ойида расмий ташриф билан Россияда бўлди. 2012 йилнинг июнь ойида Владимир Путин расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Мазкур ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация ва бошқа бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилган. Россия ташқи ишлар вазирлиги Сергей Лавров жорий йилнинг 5 апрелида ташриф билан Тошкент шаҳрида бўлди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган қарийб 200 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги асосий ҳужжатлар бўлиб, мазкур шартномаларда ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган. Ушбу шартномаларда миллий, минтақавий ва халқаро ҳавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, терроризмга, оммавий қирғин қуролларнинг тарқалишига, геноцид ва моддаларнинг ноқонуний айланишига ҳамда янги таҳдид

ва ҳавф-хатарларга қарши курашиш масалаларида яқин ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Президент Ислон Каримовнинг Россияга расмий ташрифининг асосий тадбирлари 15 апрель кунлари Кремлда бўлиб ўтди. Ислон Каримов ва Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият ривож, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликнинг тарқалишига қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари давлатларимизнинг БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини кўриб чиқдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги муҳокамаларда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон-Россия муносабатларининг мустаҳкам асосини ташкил этиши таъкидланди. 2012 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 12,6 фоиз ўсди ва 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги ўсиш 20 фоизга етди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қарийб 850 Россия-Ўзбекистон компанияси фаолият кўрсатмоқда, мамлакатимизда Россиянинг 100 дан ортиқ корхоналарининг ваколатхо-

налари рўйхатга олинган. Россияда Ўзбекистон капитали иштирокидаги 400 дан ортиқ компания фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик ёқилғи-энергетика соҳасида фаол ривожланмоқда, Россиянинг йирик нефть-газ компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Музокараларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт, транспорт коммуникациялари соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, ёқилғи-энергетика комплекси ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ўзаро ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги Ҳукуматлараро иқтисодий ҳамкорлик комиссияси фаолияти доирасида кўриб чиқилмоқда. 2012 йилнинг декабрида Тошкентда ушбу комиссиянинг 14- мажлиси бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида комиссия фаолияти ва истиқболдаги режалар муҳокама этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм бўйича вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, фанлар академиялари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашни кўзда тутишчи гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашди.

Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети,

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Музокаралар якуни бўйича Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида битим, 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2013-2015 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, ташриф доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муассасалари, божхона ва солиқ хизматлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар қабул қилинди.

Ислон Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очик ва ўзаро ишонч руҳида ўтгани, кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан томонларнинг позицияси ҳамда фикрлари бир-бирига ўхшашлиги ва яқинлигини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ишчанлик муҳитида ўтган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, муносабатларни янги амалий мазмун билан янада бойитиш йўлидан бораётганини таъкидлаш учун асос бўла олади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Москва-Тошкент.

Шаҳар сайлов комиссиясида

АЙРИМ ОКРУГЛАРДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Илгари хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарори билан 2013 йил 12 май кунлари 9-Салор, 15-Феруза (Мирзо Улуғбек тумани) ва 27-Дўстлик (Сергели тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови ўтказилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида мазкур сайлов жараёнини қонунийлик асосида ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан асосий тадбирларнинг режаси тасдиқланди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар

Кенгаши депутатлари сайловини ташкил этиш учун сайловга камиди йигирма беш кун қолганда округ сайлов комиссиялари тузилади.

Шаҳар сайлов комиссияси томонидан қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Мирзо Улуғбек тумани бўйича – 9-Салор, 15-Феруза, Сергели тумани бўйича 27-Дўстлик сайлов комиссияларини тузиш ҳамда

уларнинг раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолари таркибидagi рўйхатни матбуотда эълон қилиш қарори қабул қилинди.

Йиғилишда тегишли туман ҳокимликларига мазкур округ сайлов комиссиялари жойлаштирилган манзиллар бўйича қонун доирасида ташкилий ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

(Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг таркиби билан 2-бетда танишасиз.)

Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуманда элликка яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва эксперт иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари хорижий меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Каролин БАСТИАНС хоним, Фландрия парламенти депутати (Бельгия):

– Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда замонавий уйлари барпо этиш, шунингдек, сифат жиҳатидан шаҳарлардагидан кам бўлмаган ижтимоий муҳитни яратиш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиш ва шу орқали аҳолини иш билан таъминлаш унинг даромадини, фаровонлигини янада юк-

салтиришида муҳим омили бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқларнинг ҳам шаҳарлар каби юқори суръатлар билан равнақ топишига хизмат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда ўтказиладиган «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция катта аҳамият касб этади.

(Давоми 3-бетда)

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежида «Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини стандартлаш-

тириш метрологияси ва сертификатлаш» мавзусида тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбек миллий академик драма театрида «Истиқлол бер-

ган неъматлар — актёрлар ва роллар» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Яққасарой туманидаги

«Қушбеги» маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари ўртасида ўтказилган учрашув «Ободлик — кўнгли гулшани» деб номланди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш жадал олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили Республикада намунавий лойиҳалар асосида 400 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, «Обод турмуш йили»да жами 18 даҳада 550 та ана шундай турар жой қурилиши амалга оширилмоқда.

• Андижонда олий ўқув юртлири талабалари жамоаларига жорий йилда Бухорода ўтказиладиган «Универсиада – 2013» мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун минтақавий саралаш босқичи баҳслари бўлиб ўтди.

• Навоий шаҳрида «Соғлом авлод – миллат келажаги» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

• Сирдарё вилоятида туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Ховос туманида «Обод юртим, озод юртим» мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоятидаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Кўргазма иштирокчиларида вилоятда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва енгил саноат моллари, меъбел ва бошқа тайёр маҳсулотлар ҳам катта қизиқиш уйғотди. Корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва савдо ташкилотлари ўртасида 7 миллиард 344 миллион сўмликдан ортиқ ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британиянинг Lionstone Investment Services LTD брокерлик компанияси экспертларининг таҳлилларига кўра, 2013 йилнинг охирига қадар Канада доллари, Австралия доллари ва Хитой юани дунёдаги энг барқарор валюталар қаторидан ўрин олади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Канада доллари барқарорлигини таъминловчи омиллардан бири сифатида шу мамлакатнинг мустаҳкам банк тизимини таъкидлаш янмар.

• Жорий йилнинг даражаси жуда юқори нуктага чикди. Зеро, бундан аввал ҳеч қачон шунчалик кўп греклар ишсиз бўлиб қолмаган эди. Гап шундаки, Греция статистика хизмати маълумотларига қараганда, ҳозирда 27,2 фоиз меҳнатга лаёқатли греклар расман иш билан таъминланмаган. 2012 йилнинг декабрига солиштирилганда эса ишсизлик кўрсаткичи 0,8 фоизга ошганлиги қайд этилади.

• Япониянинг Токио университети мутахассислари бир дақиқада 200 варақли китобдан нусха кўчирувчи тезкор сканер ихтиро қилишди. Сканер соҳасига 500 та кадр суратга олувчи ва 1280x1024 пикселга эга ҳамда саҳифани горизонтал шаклда катталаштирувчи юқори сифатли лазерли камерадан ташкил топган. Бу қулайликлар китоб варақларининг яроқсиз ҳолатга келиб қолишининг олдини олади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОР ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАР

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМҲАВВАТЛАНИШ ТАРМОҒИ ОБЪЕКТЛАРИ, НОВВОЙХОНАЛАР, СОМСАХОНАЛАР ҲАМДА ЧОЙХОНАЛАРДА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА, ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2013 йил «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниб, қабул қилинган Дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрини янада ривожлантириш ва ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолига умумий овқатланиш соҳаси бўйича хизмат кўрсатаётган объекларда, миллий нон маҳсулотларини тайёрловчи новвойхоналарда, сомсахоналар ва чойхоналарда санитария-гигиена, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига рио я қилиниши устидан назоратни кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги (расмий манбаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., N 9, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., N 6, 118-модда; 1999 й., N 5,

124-модда; 2000 й., N 7-8, 217-модда) қонуни, Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланган «Умумий овқатланиш тармоғи объеклари учун» санитария қоида ва меъёрлари, Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига: аҳоли ўртасида савдо, умумий овқатланиш тармоғи объеклари, новвойхоналар, сомсахоналар ва чойхоналарда санитария-гигиена, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига рио я қилиниши, объекларнинг шаҳарсозлик ҳолатини талаб даражасига келтириш бўйича кенг қамровли тарғибот ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

2. Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, (А.Таджиев), ички ишлар бош бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бошқармаси (А.Сайдуллаев), туман ҳокимларига:

маҳаллалар, мавзелада, ёнгин хавфсизлиги ва ташқи қиёфаси билан архитектура талабларига жавоб бермайдиган савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари объеклари, новвойхоналар, сомсахоналар ва чойхоналарни тартибга келтириш бўйича тегишли чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

3. Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Д.Алимухамедов):

бозорлар, савдо ва умумий овқатланиш тармоғи объеклари, новвойхоналар, сомсахоналар ва чойхоналарда, санитария ва гигиена қоидаларига асосан, ишчиларнинг тиббий кўрик дафтарчалари ҳар олти ойда бир марта мониторингдан ўтказиш топширилсин.

4. Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Д.Алимухамедов), архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (А.Таджиев), ички ишлар бош бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бошқармаси (А.Сайдуллаев), туман ҳокимларига:

санитария-гигиена, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилишига йўл қўйган объекларнинг раҳбарлари ҳаракатлари назорат остига олинсин.

5. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши
раиси
Р.Усманов

2013 йил 9 апрель

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ТАРҒИБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳоли учун қулай инфратузилмани яратиш ва санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида аҳоли сони ортиши билан ҳудудларнинг тозаланиши сақлашда қатор муаммолар келиб чиқаётганлиги, аҳоли томонидан кўп қаватли уй-жой фонди атрофига турли чиқиндилар ташлаб кетилаётганлиги, бўш ётган ер майдонлари, ариқ ва зовурларнинг ифлослантирилаётганлиги, бу эса шаҳар экологиясига ўзининг салбий таъсирини ўтказаяётганлиги кузатилмоқда. Тошкент шаҳрида табиати муҳофазаси, экология ва санитария-эпидемиологик муҳитини яхшилаш, атроф-муҳитга зарарли таъсирнинг олдини олиш ва бунда айниқса аҳолининг экологик маданиятини ошириш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш, ҳудудларда тозаланиш сақлаш ва аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш долзарб масала эканлиги эътироф этилсин.

2. Тошкент шаҳрида жойлашган корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда ишлаётган ходимлар ҳамда маҳаллаларда аҳоли орасида шаҳарнинг тозаланиши сақлаш ва экологик маданиятини юксалтириш бўйича тушунтириш ишлари йўлга қўйилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда: уй-жой фонди, йўлак, кўча, майдон ва ариқларни озода тутиш, тозаланиш сақлаш, ҳудудни ифлослантирмаслик ва чиқиндиларни белгиланган жойга ташлаш;

пойтахтда маиший чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш, ташлаш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш бўйича тасдиқланган қоидаларга мувофиқ чиқиндиларни турларга ажратиш, белгиланган рангдаги пакетга жойлаштириш, чиқинди тўплаш жойидаги белгиланган рангдаги контейнерга ёки «Махсустрас» корхонасининг автотранспортига ташлаш;

бино, иншоот, яқна тартибдаги уй-жойлар ва кўп қаватли уй-жой атрофига чиқиндиларни олиб чиқиб қўйиш ва тўплаш, кўча, сув, ариқ ва белгиланмаган жойга чиқиндиларни ташлаш, автотранспорт воситасидан турли чиқиндиларни ташлаб юбориш ва қурилиш чиқиндиларини маиший чиқиндилар билан аралаштириб ташлаш ман этилиши;

ҳудудларда шох-шаббалар, барг-хазонлар, барча чиқиндилар, қуриган ўт ва ўсимликларни ёқиш ҳамда шаҳар экологиясини ифлослантириш ман этилиши;

шаҳарнинг экологиясига салбий таъсир ўтказиш, атроф-муҳитни ифлослантириш ва белгиланмаган жойга чиқинди ташлаш ҳолатларига бефарқ бўлмаслик ҳамда бундай шахсларга огоҳлантириш бериш лозимлиги тушунтирилсин.

3. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасига белгиланган тартибда: экологик маданият, атроф-муҳитнинг тозаланиши, санитария-гигиена қоидалари, табиатнинг муҳофазаси, чиқиндиларни ташлаш тартиби ҳақидаги махсус курслар ташкил этилсин.

4. Туман ҳокимликлари, ички ишлар бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси билан биргаликда:

маҳаллаларда учрашувлар ташкил этиб, ҳар бир хонадон, оила, фуқаро ҳамда шаҳарда фаолият юритаётган ҳар бир юридик шахсга мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини етказиш; атроф-муҳитни ифлослантираётган, санитария-гигиена талабларини бузаётган, чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаётган шахсларни аниқлаб, маҳалла фуқаролар йиғинида фаоллар иштирокида муҳокама этиш; туманда «Энг обод маҳалла», «Энг озода кўча», «Энг намунали кўп қаватли уй» каби кўрик-танловларини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

маҳаллалар ҳудудининг тозаланиши сақлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда фуқаролар санитария ва экология қоидаларига рио я этишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспектори ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарининг ҳамкорлигини таъминлаш;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кўп қаватли уй-жойлар атрофини тозалаш ҳамда хонадон эгаларига ўз уйи атрофи ва йўлак қисмини озода тутиш вазифаларини тушунтириш ишлари топширилсин.

5. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси, туман ҳокимликларига:

шаҳар кўчалари, хиёбонлари ва жамоат жойларида чиқинди ташлаш урналири сонини кўпайтириш ва уларни доимий равишда тозаланиши таъминлаш ишларини амалга ошириш топширилсин.

6. Ички ишлар бош бошқармасига профилактика инспекторлари томонидан маҳалла ҳудудида тозаланиш ва озодаликни сақламаётган, экологияни ифлослантираётган ҳамда чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаётган жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан кўрибган маъмурий жавобгарлик чоралари ҳақида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига маълумот киритиш топширилсин.

7. Тошкент шаҳар Табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси, Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорати маркази:

аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитнинг тозаланиши сақлаш ва табиати муҳофазаси қилиш бўйича тарқатма тарғибот воситалари, буклетлар ва бошқа махсулотларни тайёрлаш ва жойларда тарқатиш ишлари амалга оширилсин.

Тошкент шаҳрининг кўчалари, ҳудудлари, сув ҳавза ва каналлари доимий равишда ўрганилсин ҳамда экология ва санитария қоидаларига рио я этмаётган ва ифлослантираётган шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриш кучайтирилсин.

8. «Тошкент реклама сервис» ДУК, «Тошкенттелерадиоканали» ДУК, «Ўзбекистон кабель телевидениелари» МЧЖга:

реклама фаолиятини амалга оширувчи агентликларга шаҳардаги реклама конструкциялар ва видеомониторларга шаҳар тозаланиши, атроф-муҳит ва экологияни сақлашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган рекламалар, тарғибот воситалари, чақириқ ва эълонларни жойлаштириш;

ушбу қарорнинг моҳиятини тарғиб этиш бўйича махсус кўрсатув, ролик, ижтимоий реклама ва эълонларни тайёрлаш;

пойтахт ҳудудида фаолият юритадиган барча кабелли телевидениеларнинг реклама блоклари шаҳарнинг экологияси, атроф-муҳити ва тозаланиши сақлашга қаратилган ролик, ижтимоий реклама ва эълонларни жойлаштириш тавсия этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси (А.Ақромов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати (Х.Эрматов):

мазкур қарорда кўзда тутилган масалаларни тарғиб этиш бўйича медиа-режа ишлаб чиқилиб, ёритиш юзасидан оммавий ахборот воситаларига тавсия этилсин.

10. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

11. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р. Усманов

2013 йил 9 апрель

• Қарорларнинг илова қисмлари билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Toshkent.uz сайтида танишишингиз мумкин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

9-САЛОР, 15-ФЕРУЗА ВА 27-ДЎСТЛИК САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12, 44-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Мирзо Улуғбек туманидаги — 9-Салор ва 15-Феруза, Сергели туманидаги 27-Дўстлик сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

Мирзо Улуғбек тумани бўйича

9-Салор

округ сайлов комиссияси

Маркази — Тошкент ирригация ва мелиорация институти биноси. Мирзо Улуғбек тумани, Қори Нёзий кўчаси, 39. Телефон - 237-12-37, 237-09-45

Раис

Каттаходжаева Турсунхон Ҳикматовна — 9-оилавий поликлиника бош шифокори

Раис ўринбосари

Таджибаева Наргиза Сабировна — 419-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Котиб

Фазилжанова Нилуфар Ҳикматджановна — 556-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Аъзолар

Бегматова Дильбар Мардановна — 9-оилавий поликлиника бош хамшираси

Абдуллаева Муаттархон Илёсовна — 9-оилавий поликлиника бош шифокор ўринбосари

Ли Инна Владимировна — 142-сонли мактаб директори

Миркасимова Наргиза Зоировна — 99-сонли мактаб ўқитувчиси

Каримова Гулноза Абдефаттаховна — Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори ўринбосари

Исмоилова Муҳайё Аббаровна — 153-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Корабаева Феруза Мирхидоятовна — 9-сонли мактаб ўқитувчиси

Сағдуллаев Сайфулло Лутфуллаевич — туман турар жой бинолари кадастр хизмати муҳандис бригадир

Мирзо Улуғбек тумани бўйича

15-Феруза

округ сайлов комиссияси

Маркази — ТТЗ-4 мавзеси, 35-мактаб биноси. Телефон - 264-69-17

Раис

Дадамухамедов Боходир Абдумаликович — туман ҳудудий тиббиёт бirlашмаси бош шифокори

Раис ўринбосари

Садуллаева Раиса Турғуновна — 6-сонли оилавий поликлиника бош шифокори

Котиб

Якубова Салима Муталовна — Мирзо Улуғбек туман санавот касб-хунар коллежи директори ўринбосари

Аъзолар

Назарова Умида Васыковна — 137-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Наримбаева Лола Кузиевна — 274-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Джуманиязов Джуманазар Бабаджанович — санавот касб-хунар коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Ахмедова Шахло Шахобовна — 378-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Разуваева Татьяна Борисовна — 14-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Абдурашидова Гузаль Рифхатовна — 471-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Садридинова Зухра Усмановна — 98-сонли мактабгача таълим муассасаси мудири

Нишанова Раъно Фаттаховна — 6-оилавий поликлиника катта хамшираси

Сергели тумани бўйича

27-Дўстлик

округ сайлов комиссияси

Маркази — «Йўлдош» 2-мавзеси, 18-уй, 2-мактаб. Телефон - 258-73-31

Раис

Ширматова Дилфуза Собировна — 317-сонли мактаб директори

Раис ўринбосари

Ташпўлатова Розия Ҳакимовна — 284-сонли мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Котиб

Шамсиева Санобар Уматалиевна — 301-сонли мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари

Аъзолар

Салихова Муқаддас Абдурахмановна — 300-сонли мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Турсунова Дильдора Исламовна — 267-сонли мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси

Ерматова Озодхон Хасановна — 267-сонли мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари

Кувандикова Ольга Рашидовна — 518-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси

Чориев Бахтиёр Мамашоевич — туман марказий кўп тармоқли поликлиникасининг ортопед-травматолог врач

Джалилова Умида Мамуровна — туман ФХДЭ органи мудираси

Сафаралиева Саодат Мўминовна — 300-сонли мактабнинг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Исроилова Манзура Абдиевна — 301-сонли мактабнинг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси

О.Иноғомов

Тошкент шаҳри,

2013 йил 11 апрель

Шу азиз Ватан — барчамизники

2013 йил — Обод турмуш йили

БАҒРИКЕНГ ДИЁР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ўзбеклар тарихан бағрикенг халқ. Асрлар давомида бизнинг ҳудудимизда қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва қорақалпоқлар бир-бирлари билан аҳил ва иноқ яшаб келишган. Уруш йилларида Ўзбекистон қаттагон қурбони бўлган халқлар вакиллари бошпана берди, энг оғир давларда улар билан бир бурда нонини баҳам кўрди. Корейлар, немислар, поляклар, греклар, турклар, қрим-татарлар бу ерда ўзларининг иккинчи ватанларини топдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватандир. Чунки улар шу ерда туғилдилар, ўқидилар, обрў-этибор топдилар, ўзбек халқининг меҳр булоғидан баҳраманд бўлдилар.

Кўп миллатли мамлакатда тинчлик ва тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири — миллатлараро муносабатларнинг барқарор тизimini яратишдир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилди ва у қатъий билан амалга жорий этилди. Бу сиёсат тинчлик, барқарорлик ва фаровон ҳаётимизнинг пойдевори бўлди. Конституциямизда ва барча қонунларимизда мазкур тамойиллар ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида республикамизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва ҳамжиҳатлик таъминланди. Бугунги кунда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, миллатидан қатъи назар, жамиятнинг иқтисодий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол қатнашаётди. Сенат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари орасида турли миллат вакиллари бор. Маҳаллаларимиз ҳам кўп миллатли бўлиб, унлаб ўзини ўзи бошқариш органлари рус, татар, қирғиз, қозоқ, украин, арман, тожик ва бошқа қатор миллатларга мансуб фуқаролар бошчилик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда республикамизда 6 мингга яқин жамоат ташкилоти фаолият юритади. Улар орасида 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар бор. Жамоатчилик тузилмалари бўлган бу марказлар ўзига хос миллий маданиятни ривожлантириш баробарида, ёшларимизни барча миллат ва элатлар маданиятини ҳурмат

қилиш руҳида тарбиялашга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айрим миллий маданий марказлар қошида тузилган «Якшанба мактаблари»да ёшлар билан бирга катта авлод вакиллари ҳам ўз урф-одатлари, маданияти, тили, тарихини ўрганимоқда.

Республика Байналмилал маданият маркази таъсис этилганига 21 йил бўлди. Унинг фаолияти мамлакатимизда миллатлараро тўтовулини таъминлаш, жамиятда бағрикенглик таъминлашнинг қарор топтиришга қаратилган. Мазкур марказ ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган барча миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда, уларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатмоқда. Унинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари билан миллий-маънавий алоқаларни қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Утган йили январда республика Байналмилал маданият марказининг 20 йиллиги кенг нишонлангани, Президентимизнинг тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табриклар, миллий маданий марказлар фаолларидан 13 кишининг фазрий унвонлар ва ҳукумат мукофотлари билан тақдирлангани кўч қўшди. Шу сабабдан бўлса керак 2012 йил биз учун жуда самарали кечди. Мустаҳкам оила йилига бағишлаб Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси ва барча вилоятларда «Миллатлараро тўтовулик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омил», «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила», «Мустаҳкам оила — мамлакат таянчи» шiorлари остида илмий-амалий ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказди. Йил давомида ташкил этилган фестиваллар, семинарлар, давра суҳбатлари, концертлар ва расмоларнинг асарлар кўргазмалари кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

Фаолиятимиз самарадорлигини ошириш мақсадида республика Байналмилал маданият маркази қошида Жамоатчилик Кенгаши тузилган. Унинг таркибига миллий маданий марказлар раислари ва фаоллари, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари киритилган. Жойларда ҳам вилоят ҳокимлари ўринбосарлари бошчилигида худди шундай Мувофиқлаштирувчи Кенгашлар фаолият юритади. Ҳар бир Кенгаш ўз ҳудудида миллий маданий марказларга ҳар томонлама ёрдам бериш баробарида минтақада тўтовулик ва ҳамжиҳатликнинг таъминлашига масъулдир. Яқин ҳамкорларимиз орасида «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши сингари кўплаб ташкилотлар бор. Уларнинг доимий мадади фаолиятимизнинг янада самарали бўлиши гаровидир.

Утган йиллар мобайнида республика Байналмилал маданият маркази томонидан миллий маданий марказлар учун кўплаб йўриқномалар, 20 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тўтовулик ва бу борада Истиқлол йилларидаги ютуқларимизни акс эттирувчи «Ўзбекистон — умумий уйимиз» альбом-китоби, «Ўзбекистон — бағрикенг диёр», «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажикимиз кафолати», «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини» номли мақолалар тўпламлари чоп этилди.

Обод турмуш йилида ҳам режаларимиз катта. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда «Ватан ободлиги — кўнгил ободлиги» шiori остида ранг-баранг маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Жумладан, миллий маданий марказлар бадий жамоалари иштирокида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивали ўтказилади. Айни пайтда, ҳар бир маданий марказда бу йилга бағишланган тадбирлар дастури бор. Кўп миллатли халқимизнинг турли ёшдаги вакиллари иштирок этадиган бундай тадбирлар юртимиздаги миллатлараро тўтовулик ва бағрикенгликнинг ёрқин намоишига айланади.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
республика Байналмилал маданият маркази директори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Она заминимиз ям-яшил либосга бурканиб баҳор нафаси оламни гулу чечакларга буркаётган айни кунларда маҳаллаларда ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, бутун атрофни саранжом-саришта қилиш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Фикримизни Сергели туманида жойлашган «Қипчоқ» маҳалласи мисолида давом эттирайдиган бўлсақ юқоридаги фикрлар бежизга келтирилмаганига ғувоҳ бўламиз. Гап шундаки, ушбу маҳаллада ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва бошқа миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ўзаро тинч-тўтовулик, аҳил-иноқликда умргузаронлик қилиб келмоқдалар.

— Маҳалламизда 2500 нафардан ортиқ кўп миллатли аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда Эркин ака Турсунбоев. — Ҳар бир миллатнинг урф-одат ва қадриятларига алоҳида эътибор ва ҳурмат кўрсатилаётгани учун ҳам маҳалладошлар бир ёқадан бош чиқариб юрт равнақига ҳисса қўшишга интилиб келмоқдалар. Мамлакатимиз ҳаётидаги қўлғусаналар, Наврўз, Мустақиллик каби шодиёналар катта тантана билан нишонланади, уларда турли халқларнинг қуй-қўшиқлари янграйди.

Айни кунларда маҳаллада кенг қамровли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари аҳоли билан ҳамжиҳатликда, ҳашар йўли билан олиб борил-

Маҳалла — кўп миллатли оила

ҲАМЖИҲАТЛИҚДА ҒАП КЎП

моқда. Эзгу анъаналаримиздан саналувчи бу тадбир катта аҳамиятга эга. Чунки ҳашар давомида маҳаллагузар, кўча ва хонадонларни ораста ҳолга келтириш билан бир қаторда ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинади.

— Йўллар четига ҳавони мусаффо қилувчи 600 га яқин арча дарахтларини екяппиз, — дейди ҳашарчиларга бош бўлган маҳалла оқсоқоли, — Мевали, ман-

Мамлакатимизда миллий ўзликни сақлаш, этник қадриятларни улуғлашга табиий жараён сифатида қаралмоқда. Этномаданий эҳтиёжларни тўла қондириш, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратиб берилаёпти. Ўзбекистонда барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқли муносабат юзага келди. Буни биз бошқа миллий маданий марказлар ҳам ҳис этаёппиз. Юртимизда миллатлараро тинч-тўтову ҳаётни таъминлаш учун барча қонуний асослар яратиб берилган, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Ҳозир мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида дарслар етти тилда олиб боришмоқда. Ҳар бир миллат урф-одатлари, анъаналари, маросимлари тўла тикланиб, қадрланмоқда. Йил сайин уларни кенг тарғиб этиб боришга қулай имкониятлар яратилмоқда.

Марказлар фаолиятдан

**ЭНГ КАТТА БОЙЛИК,
ЭНГ ЮКСАК ҚАДРИЯТ**

Оқилона миллий сиёсат туфайли барча миллат ва элат вакиллари бағрикенг ўзбек халқи билан бир оила фарзандларидек ўзаро аҳил ва тинч-тўтову турмуш кечиришмоқда. Айни пайтда, қирғиз миллатига мансуб 350 минг нафардан зиёд аҳоли республикамизнинг Фарғона водийси, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида истиқомат қилишяпти. Шунинг билан бирга ай-тиш жоизки, уларнинг ҳар бири Ўзбекистонни ўз ватани деб билади ва ардоқлайди. Ахир инсон туғилган жой унинг учун ватан ҳисобланади. Бизлар ҳам шу дийрда туғилдик, униб-ўсдик, воғна етдик. Ота-боболаримиз ҳам бир умр шу элни севди, шу заминни Ватан дея ардоқладик. Ўзбек халқи билан ака-ука, дўст-биродар, қанда-дўст бўлиб кетди. Бизлар ҳам уларнинг изидан бориб, озода ва обод, муқаддас Ватанимизда бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ, тинч-тўтову турмуш кечираёппиз, меҳнат қилаёппиз. Шунинг ўзи инсон учун олий саодат эсмасми.

Нодавлат ташкилот ҳисобланган миллий маданий марказимиз республикамиз миқёсида кенг қамровли фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари билан ба-ҳамжиҳат яшаб, ишлаб, энг катта бойлигимиз — тинчликни асрашга, осойишталикни таъминлашга, миллатлараро дўстликни қўчайтиришга ўз ҳиссасини қўшяпти. Хамма-ни аҳил-иноқ яшаб, осойишта ҳаётимизнинг қадрига етишга қўламоқда. Бу табиийки, юртимиздаги энг улуғ умуминсоний фазилатлардан биридир.

Бугунги кунда республикамиз бўйича қирғиз тили ўқитиладиган 62 та мактаб бор. Уларда тарбияланаётган мактаб ўқувчиларининг барчаси керакли дарсликлар билан тўлиқ таъминланган. Яъни, ўқув дарсликларининг барчаси «Ўзбекистон» нашриётининг қирғиз тили бўлими жамоаси томонидан тайёрланиб, чоп этилмоқда.

Андижон педагогика университетида бир неча йилдирки қирғиз тили филологияси факультети фаолият кўрсатиб келяпти. Ҳар йили Қирғизистон Республикасидаги олий ўқув юртларини тугатиб келган ёш мутахассисларнинг дипломлари Республика Тест марказида нострификация қилинаёпти. Тест синовларидан муваффақиятли ўтганларнинг дипломлари қўшимча равишда нострификация дипломлари берилмоқда.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида ҳар икки йилда ўтказиладиган дўстлик ва маданият фестивалида марказимизнинг ёш талантли қизларидан Қўнуд ва Юлдуз Назаровалар «Энг яхши либос» номинацияси бўйича ва Жиззах вилоят қирғиз маданий маркази оқини Эгамқул Абдиев «Энг яхши миллий қўшиқ» номинацияси бўйича фестивалда ғолиби бўлиблар, махсус дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент шаҳрининг «Tashkent Palace» меҳмонхонасида Ўзбекистон Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан ташкил этилган «Тасанно-2012» халқаро фестивал-танловда Ўзбекистон қирғиз маданий маркази раиси ўринбосари Бурул Абдуқадирова ва марказ фаоли Россия Жуманазарова томонидан тайёрланган қирғиз халқининг миллий таомлари ҳам барчага манзур бўлди ва уларга ғолиблик дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз. Шундай юртда туғилиб ўсганимиздан фарҳангамиз. Турфа маданияти, анъана ва қадриятлар гуллаб-яшнаётган юртимизда эришилаётган ҳар бир муваффақият бизнинг ютуғимиз, қолаверса, бахту саодатимиз тимсолидир.

**Раҳматилла
ЖАББОРОВ,**
Республика қирғиз
миллий маданий
маркази раиси

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чен ЧАНМИН, «Shanghai Tongshe Architectural Design Institute» компанияси вице-президенти (Хитой):

— Ўзбекистонда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётди. Қишлоқ жойларни ривожлантиришда аҳоли учун уй-жойлар қуриш, одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш ишларининг комплекс тарзда амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олис қишлоқ ва овуллар қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Шу боис Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишларига қизиқиш катта.

Халқаро анжуман доирасида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ва аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишиш имкони яратилаётганидан мамнунимиз. Мазкур халқаро анжуман қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни пухта ва самарали амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан дунёнинг қатор экспертлари ва олимлари билан таҳриб алашшиш учун қулай имкониятдир.

Салоҳ Султон, Осиё мусулмонлари кўмитаси котиби (Қўзғит):

— Ўзбекистонда нафақат шаҳарларнинг, балки қишлоқ ҳудудларининг ҳам қиёфасини кўркамлаштириш, инфраструктурасини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, одамларнинг гузал ва саодатли ҳаёт кечирishi учун барча қулайликни яратиб бора-сидиги ишларга улкан эътибор қаратишмоқда. Мамлакатимиздаги қишлоқларда намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойларни кенг кўламли барпо этиш ишлари амалга оширилаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Дунёдаги кўплаб мамлакатларда қишлоқ жойларнинг ободлигига бу даражада доимий ва юксак эътибор қаратилмайд. Ўзбекистонда қисқа фурсатда барча вилоятда минглаб замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани таҳсинга сазовордир. Айниқса, бу уйларнинг барча зарур маъиш шарт-шароитларга эга экани, яшаб учун катта қулайликлар билан таъминлангани қишлоқ одамларининг фаровон турмуш кечирishiда муҳим омили бўлаётгани диққатга сазовор. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасидан бошқа мамлакатлар ҳам ўрнак олса арзийди. Халқаро конференция ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Хавьер Салседо КАБЕЛЛО, «PROES Consultants S.A.» компаниясининг меъморчилик департаменти директори (Испания):

— Ўзбекистонда ушбу муҳим мавзудаги халқаро конференциянинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Чунки мамлакатимизда қишлоқ жойларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар барча давлат учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистонда замонавий уй-жойларни барпо этиш ва бу ишларни молиялаштириш, мас-сивларни танлаш, аҳоли пунктларининг бош лойиҳаларини тузиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш каби жиҳатларни қамраб олган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилгани таҳсинга сазовордир. Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқларни комплекс равишда ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар бутун мамлакатни янада тараққий эттириш йўлида юксак самаралар беради.

Сергей ТОЛСТОВ, Украина Миллий фанлар академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро алоқалар институти профессори, эксперт-технолог:

— Ўзбекистонда ўтказиладиган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омил» мавзuidaги халқаро конференцияда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ижтимоий йўналишлар ва амалий тажрибага оид маърузам билан иштирок этаман. Ўзбекистонда 2012-2015 йилларда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш лойиҳаси мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада тараққий эттириш йўлида танланган энг тўғри қадамлардан. Бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тизимга халқаро молия институтлари маблағларининг ҳам жалб этилиши, айниқса, таҳсинга сазовор. Ўзбекистоннинг бу соҳада катта тажрибага эга Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлиги қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали, энг аввало, аҳоли турмуш даражасини янада оширишга ҳамда қишлоқлар инфратузилмасини такомиллаштиришга эришилади. Иқтисодиёт барқарор ривожланаётган Ўзбекистон мазкур лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун барча имкониятларга эга.

Сок Йонг ФАНГ, Сингапур менежмент университети иқтисодиёт факультети профессори:

— Уй-жойлар қурилишини изчил олиб бориш учун ҳар бир давлат, авваламбор сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлиши лозим. Қишлоқларни ҳар томонлама замонавийлаштириш учун у ерда нафақат янги уй-жойларни барпо этиш, балки таълим муассасалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаларини қўйайтириш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, йўллар барпо этиш, сув ва электр энергияси тармоқларини ўтказиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби кенг кўламли масалаларни ҳал этиш даркор. Ўзбекистонда бу масалага ана шундай комплекс асосда ёндашилаётгани диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда қишлоқларни комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар бунёд этиш бўйича яхлит тизим шаклланиши, замонавий турар жойларни қуриш ва молиялаштиришда пухта ташкилий-ҳуқуқий механизм яратилганидан бошқалар ҳам ибрат олса арзийди.

**Ирода УМАРОВА,
Мадина УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди**

«ELIKOS GROUP» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300 932 937) жамият устав фондининг 24.703.448 сўмдан 7.905.078 сўмга қисқартирилганини ҳақида маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қийдаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 178-44-11.

«O'zgaslohiya» масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият директори Қодиржон Қосимовнинг турмуш ўртоғи **Хусния ҚОСИМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихсоз этади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Яқинда Япониянинг Чибо префектурасига қарашли Макухари шаҳрида «FOODEX — 2013» Халқаро озғ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро тадбирда дунёнинг олти мишдан ортиқ мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам иштирок этди. Унда «FOODEX — 2013» кўргазмаси қатнашчилари ва меҳмонлари юртимиз заминидида етиштирилган асал маҳсулотлари намойиш этилган барибарида тадбир доирасида Япония компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган учрашув ва музокаралар ҳам ўтказилди.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган сўхбат чоғида «Kawaguchi Trading Co. Ltd.» савдо компанияси президенти Кен Ито ўзи раҳбарлик қилаётган компания хориж мамлакатларидан Японияга турли асал маҳсулотларини импорт қилишга ихтисослашганини маълум қилди. «Бундан ташқари, биз янги инновация техно-

логиялари ёрдамида асални қайта ишлаш ва қадоклаш ишлари билан ҳам шуғулланамиз», деди у.

К.Итонинг сўзларига қараганда, халқаро кўргазма чоғида Ўзбекистон вакиллари томонидан намойиш этилган экологик тоза ва табиий асаллар ўзининг ажойиб таъми билан хориждаги ва Япониядаги асал маҳсулотларини ишлаб чиқардиган ва қайта ишлайдиган компанияларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Шунингдек, у мамлакатимиз асаларчилик хўжалигининг фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида юртимизга бориш истагида эканлигини билдирди.

Япония Ташки савдо ривожлантириш ташкилотининг Халқаро савдо ярмаркалари департаменти директори Такаши Цунеми Ўзбекистон делегациясининг «FOODEX — 2013»

халқаро кўргазмадаги иштироки юртимизда етиштирилган табиий тоза асал маҳсулотлари билан яқиндан танишиш ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари-

«JET Co. Ltd.» компаниясининг менежери Минору Фужимото табиий асал моддалар алмашинувини меъёрга келтириш орқали инсон организми иммунитетини кучайтириш

ЎЗБЕКИСТОН «FOODEX — 2013» КЎРGAЗMACИДА

ни муҳокама қилишда муҳим ўрин тутганини қайд этди.

Унинг фикр билдиришича, табиий ва саломатлик учун кони фойда бўлган Ўзбекистон асаларчилик маҳсулотлари юқори сифати ҳамда алоҳида таъми билан истеъмолчиларнинг эътиборига тушган. «Бундан ташқари, Японияда ўтказилган экспертлар натижалари ҳам ўзбек асалининг ижобий хислатларга эга эканлигини тасдиқлади», деди Т. Цунеми.

ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш сингари шифобахш хусусиятларга эга эканлигини таъкидлади. «Асаларчилик жабҳаси вакили сифатида кўпгина давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳанинг ривожланиш жараёни билан яқиндан танишман. Мамлакат раҳбарияти томонидан асаларчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ушбу тармоқнинг из-

«CITY MAKON»ДА БОЛАЛАР УЧУН ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Пойтахтимиздаги «City Makon» маданий-маърифий кўнгилочар марказида имконияти чекланган болалар учун хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти саройи ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳридаги 164-имконияти чекланган болалар мактабининг 50 дан зиёд бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди.

Тошкент шаҳридаги 164-имконияти чекланган болалар мактабида республикаимизнинг барча ҳудудларидан келган 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган 370 нафар ўқувчи таҳсил олади. Бу масканда болаларнинг замонавий технологиялар ёрдамида билим олиши, ўз маънавий дунёси ва билим доирасини кенгайтириши учун барча имкониятлар яратилган. Тажрибали мураббийлар, тарбиячилар ва педагоглар уларга меҳр ва мурувват кўрсатиб, таълим бермоқда.

«City Makon» маданий-маърифий кўнгилочар марказида ўтказилган тадбир иштирокчиларини мултифильм ва эртак қаҳрамонлари кутиб олишди, болалар билан биргаликда марказ боғида турли хил кўнгилочар ўйинлар ўйнашди.

Болалар марказда ташкил этилган замонавий сенсор деворлар ёрдамида тарихий шаҳарларни, болажонлар томонидан чизилган турли санъат асарларини томоша қилди. Шунингдек, «Ижод» Ўзбекистон расомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси қошидаги «Кўғирчоқ» студияси томонидан тайёрланган спектаклни томоша қилишди.

— Ўқувчиларимиз турли тадбир ва танловларда иштирок этиб муайян ютуқларга эришмоқда, — дейди мактаб директори Мухтабар Алимтаева. — Улар орасида иқтидорли, қобилияти болалар ҳам бор. Ўтган 2012 йилда мактабимизнинг 5-синф ўқувчилари «Янги авлод» фестивалида тасвирий санъат бўйича ғолибликни қўлга киритишди. Бугун болаларнинг қувончини қўриб, биз ҳам жуда хурсанд бўлди. Шу боис, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси жамоасига ҳамда «Янги авлод форуми» болалар ижодиёт маркази фаолларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Тадбир якунида болажонларга марказ томонидан ширинликлар улашилди.

«Туркистон-пресс»

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Сюзан Комен (АҚШ) номидаги жамғарма ҳамкорлигида ташкил этилган марафон 28 апрель кунни пойтахтимизда ўтказилади. Шу муносабат билан «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафонига ҳисса қўишни мақсад қилган юрдошларимиз кўкрак беги саратони хасталигидан азият чекаётган беморларга ёрдам бериш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси биносига келиб, марафон иштирокчиси футболкаларига эга бўлишмоқда.

«ҲАЁТ УЧУН!» ХАЙРИЯ МАРАФОНИГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ!

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Соғлом ва баркамол фарзандлар эса жамият пойдеворидир. Келажақ насллар ҳар жиҳатдан соғлом, билимли ва тарбияли бўлса, мамлакат тараққиётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшади.

«Ҳаёт учун!» хайрия марафони ҳам шу йўналишда олиб борилаётган изчил фаолият намунасидир. Бу марафонни ташкил қилишда жамғарманинг жонқуяр фаоллари ташкилий, тарғибот ҳамда хайрия маблағ-

Бутунжаҳон саломатлик кунлари 1950 йилдан бошлаб жаҳоннинг 200 га яқин мамлакатларида ўтказиб келинади. Шу кунни ўтказиладиган тадбирлар мазмун-моҳияти жиҳатидан кишиларга саломатликларининг ўз ҳаётларида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етишларига қаратилади.

Мусобақалар

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш кунни саломатликни мустаҳкамлаш ва инсонлар фаровонлигига йўналтирилган ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни ўтказиш мақсадида курраи заминнинг ҳар бир аҳолиси эътиборини саломатлик ва соғлиқни сақлаш муаммоларига жалб этишга қаратилган амалий ишлар мажмуидир. Жорий йилда Бутунжаҳон саломатлик кунни мавзуи сифатида гипертония хасталиги танланди ва «Хафаконликка қарши!» шiori остида ўтказилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги доирасида Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишлаб саломатлик ва табиий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган



Дилмурод ИСМОИЛОВ

Спорт янгиликлари

ТОШКЕНТ ЧАВАНДОЗЛАРИ — БИРИНЧИ ЎРИНДА

Тошкент вилоятида от спорти бўйича ташкиллаштирилган Ўзбекистон Кубоги мусобақалари якунланди.

Мусобақанинг конкур — тўсиқлардан от сакратиш ва от йўрттириш баҳсларида омадини синаб кўрган чавандозлар турли баландликлар бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Эътиборлиси шундаки, баландлиги бир метрлик тўсиқлардан ўтиш бўйича андижонлик Сардор Раҳмонов шоҳусунининг энг юқори погонасини эгаллаган бўлса, ҳамшаҳаримиз Темура Азизов иккита от билан кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлди.

Бир оз ўн беш сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратиш баҳсида тошкентлик Оқил Собиржоновга биринчи, иккинчи ўринлар насиб этган бўлса, ан-

диджонлик Сардор Олимжонов фахрли учинчи ўрин билан қифояланди.

Самарқандлик Умид Комилов 120, пойтахтлик Азиз Соликов 130 сантиметрли тўсиқлардан от сакратиш бўйича ғолибликни қўлга киритиб, ўз жамоаларига муҳим очколарни туҳфа этишди.

Шунингдек, кизлар ўртасидаги от йўрттириш баҳсларида Тошкент вилояти вакиласи Елена Честякова олтин, пойтахтликлар Евдокия Камолова кумуш, Анна Михайлова бронза медалларини қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида эса биринчи ўринни Тошкент шаҳри жамоаси эгаллади.

Шаҳримизда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика Шахмат федерацияси ҳамкорликларида уюштирилган шахмат бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигасининг финал беллашувлари якунига етди.

ОЛИЙ ЛИГАДА ДОНА СУРИШАДИ

Олий лига йўлнамаси учун дона сурган ўн уч нафар «акл гимнастикаси» усталари ўртасидаги баҳслар мurosасиз кечди.

Турнирда 12 имкониятдан 9,5 очко жамгарган, саккиз учрашувда ғалаба, учтасида дуранг натижа қайд этган Акмал Файзуллаев биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Олег Артёменко ва Иномжон Шоймуродов саккизтадан очко жамғариб турнирни иккинчи, учинчи ўринлар билан якунлашди.

Мамлакат биринчилигида тўртинчи, бешинчи ўринларга сазовор бўлган Одил Раҳмон ҳамда Жаҳонгир Воҳидовларга ҳам олий лигада дона суриш имконияти берилди.

Акбар Йўлдошев

мор аёлларга нисбатан хайрихоҳлик ва ҳамдардлик туйғулари жўш уриб турибди. Марафонда иштирок этишни хоҳловчилар жамғарма биносига келиб ўзига футболка танлашмоқда. Бу ерда S, M, L, XL, XXL ва XXXL размерлардаги марафоннинг пуштиранг рамзи туширилган оқ футболкаларни танлаб олиш мумкин.


«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг оғир касалга дучор бўлган беморларга моддий ва руҳий мадад беришдек хайрли ташаббуси барчага ўрнак бўлди. Жамоанинг яна бир ютуғи — бутун республикаимиз бўйлаб барча инсонларни бир мақсад сари бирлаштирди. Эзгу мақсад сари йўналган инсонлар сафи йилдан йилга кенгаймоқда.

Иштирокчиларининг кўпчилиги, уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасига қараб ҳамда тадбирни уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш мақсадида марафон 4 босқичга бўлинган. Босқич рақами иштирокчи футболкасида кўрсатилган. Батафсил маълумотлар билан ташкилотнинг интернет сайти орқали танишиш мумкин.

«Ҳаёт учун!» хайрия тадбири иштирокчиси футболкасига эга бўлган ёшлар ўз таассуротлари билан ўртоқлашмоқда.

— Мен мазкур марафонда иккинчи мартаба қатнашмоқчиман, — дейди Тошкент Давлат педагогика университети талабаси Зарина Мирсаидова. — Ўтган йили марафондан катта таассуротлар олдим, бу сафар бу тадбир янада қизиқарли ва кенг қамровли бўлишига ишонаман.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Иш самараси кишини руҳлантиради.

Кимнинг нигоҳи ўтмишга қадалган, кимники келажакка.

Тарбия оиладан бошланади.

Бировнинг ҳақи бошқага буюрмайди.

Яхши одам бировдан гина қилмайди.

Вақтини қадрлаган хурматга лойиқ.

Ўзини англаган вақтини беҳуда ўтказмайди.

Ёлғон ўзини ўзи фош қилади.

Ҳаётда мақсади бўлмаган киши ёмон йўлга кириб кетади.

Дона кераксиз ишга вақт сарфламайди.

Сен ўзингни ўзинг билмаслигинг мумкин, лекин бошқалар сени яхши билишади.

Ўз олдинга бир мақсад қўйиб яшамасанг, ҳаётнинг маъноси йўқ.

Билимни биров бировдан тортиб ололмайди.

Хотиржамликдан ортиқ давлат йўқ.

Шошилиб юрган киши вақт қадрига етади.

Ким иш одами, ким сўз.

Таваккалчининг ҳаёти осон кечмайди.

Ҳамма ҳам ўзи ҳақида гапиришни яхши кўради.

Ҳеч ким ўзини бировдан кам ҳисобламайди.

Иши юришган кишида ғурур пайдо бўлади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Якка тартибдаги тадбиркор Нурбуви Зиёдуллаева Файзиевага (ИНН: 503316104) тегишли корхонага Қибрай туман ҳокимлиги томонидан 2012 йил 21 июнда берилган 2691/191 рақамли тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида 17 апрель кунни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража, кундузи — 13-15 да-

ража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 17 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г - 441

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12046 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ